

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИ.**

Xurramov Anvar Xudayshukurovich
Oriental universiteti, "Aniq fanlar" kafedrasida katta o'qituvchisi,
mustaqil izlanuvchi

Аннотация: Ушбу мақолада масофали ўқитиш - ўқитувчи билан ўқувчининг маълум бир масофада жойлашган ҳолда таълим бериш ва таълим олиш тизимидир. Бунда дарс жараёнини компьютерлар, сунъий йўлдош алоқаси. кабель телевидениеси каби воситалар асосида таъкил этиш талаб қилинади.

Калит сазлар: малака ошириш курслари, ахборот-коммуникация компетенсияси,интерактив та'лим воситалари,компетент

**МОДЕЛЬ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГОВ В
ПРОЦЕССЕ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ.**

Хуррамов Анвар Худайшукурович
**Восточный университет, старший преподаватель кафедры «Точные
науки», соискатель-фрилансер**

Аннотация: В данной статье дистанционное обучение – это система преподавания и обучения, при которой преподаватель и ученик находятся на определенном расстоянии. Для обучения используются компьютеры и спутниковая связь. его необходимо организовать на базе таких средств, как кабельное телевидение.

Ключевые слова: учебные курсы, информационно-коммуникативная компетентность, интерактивные образовательные средства, компетентный.

**THE MODEL OF IMPROVING THE INFORMATION-
COMMUNICATIVE COMPETENCE OF TEACHERS IN THE PROCESS
OF DISTANCE EDUCATION.**

Khurramov Anvar Khudayshukurovich

**Oriental University, senior lecturer of the "Exact Sciences" department,
freelance seeker**

Annotation: In this article, distance learning is a system of teaching and learning in which the teacher and the student are located at a certain distance. Computers and satellite communication are used for teaching. It is required to organize on the basis of means such as cable television.

Keywords: training courses, information and communication competence, interactive educational tools, competent

КИРИШ

Жаҳонда масофали ўқитиш тизими ривожланишининг муҳим омилларидан бири - ер юзининг қайси ҳудудида яшаётганлигидан қатъий назар ҳар бир ўқувчига ихтиёрий таълим муассасасида ўқиш имконияти мавжудлигидир. Бу «талабаларни бир давлатдан бошқа давлатга жисмонан силжиши» концепциясидан «таълим ашёларини алмашилиши орқали билимларни тақсимлаш мақсадида қўплаб гоё, билим ва таълим» концепциясига ўтишни кўзда тутди.

MUHOQAMA VA NATIJALAR

Моделларни амалга ошириш Мўнинг ривожланиши жараёнида қуйидаги «схема» буйича ўзгарган услубий таъминотни қайта яратишни кўзда тутди:

- кейсларни комплект қилинган ва талабаларга мустақил урганиш учун жўнатилган ўқув-услубий материаллар (кейс-технология) киритилади. Вақт ўтиши билан кейсларнинг ичидаги (мазмун)лари ўзгартирилади. Улар магнит ташувчилар ва CD ЯОМлардаги ёзувлар билан тўлдирилади. Машғулотларни ўтказиш ва маърузаларни ўқиш учун телевизион (ТВ) технологияни қўллаш бошладилар. Бунда талаба даврий равишда ўқув марказларидаги тьюторларнинг кундузги маслаҳатларига келиб туришлари керак;

- мультимедиали ўқув курслари (бундаги технологиялар ўқитувчи-маслахатчи, кейслар, ўйин вазиятлари, имитацион моделлар бўлишини такозо этади):

- тармоқли масофали ўқитиш (кейс технологиясидаги ўқув-услубий материаллар ўзида мужассамлаштирган) - масофадан туриб бошқариш. Шу жумладан, хорижий ўқув юртларининг ўқитувчилари билан мулоқот қилиш имкониятини таъминлайди;

- виртуал университет (МУни ташкил этишнинг энг юкори шакли, масалан.Европа иттифоки виртуал университети).

Ўқитишнинг баъзи моделлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

1.Экстернат турида ўқитиш . Ушбу ўқитиш услуби умумий таълим мактаб ўқувчилари ва ОТМ талабаларига йўналтирилган бўлиб, қандайдир сабабларга кўра стационар таълим муассасаларига бора олмаган ўқувчи ва талабалар учун мўлжалланган. Масалан, 1836 йили Лондон университетиде қандайдир сабабларга кўра анъанавий таълим муассасаларига бора олмаган ўқувчи ва талабага ёрдамсифатида у ёки бу даражадаги хужжат (аттестат, диплом)га эга бўлиш учун имтихон олиш ташкил этилган.

2. Бир университет негизида ўқитиш . Бу стационар тартибда ўқимайдиган (on-campus). яъни масофадан туриб. сиртдан ёки масофали ва компьютерли телекоммуникацияни уз ичига олган янги ахборот технологиялари асосида (off-campus) ўқиётган талабалар учун мўлжалланган таълим тазимидир. Дунёдаги кўпгина нуфузли ОТМларида таълим аттестатларини олиш учун мўлжалланган дастурлар турли-тумандир.

3.Бир неча таълим муассасасининг ҳамкорлигн. Сиртки ва масофали ўқитиш дастурини амалга оширишда қилинадиган ҳамкорлик уларни сифатлироқ ва кам харажат бўлишини таъминлайди.

4. Махсус масофали ўқитиш мақсадида таш кил этилган автоном таълим муассасалари. Ана шундай муассасалардан энг йириги Лондондаги очик университет (The Open University) хисобланади. Ҳозирги кунда унда нафакат

Буюк Британия, балки бошка кўпгина давлатларнинг талабалари ҳам масофадан туриб таълим олмакдалар.

5.Автоном ўқитиш тизимлари. Бундай тизимлар доирасида ўқитиш ТВ ва радиодастурлар, шунингдек, кўшимча нашр этилган кўлланмалар асосида олиб борилмоқда. Масофадан туриб ўқитишга мисол килиб, Америка телевизион лойихасини келтириш мумкин.

6.Мультимедиа дастури асосида норасмий интеграллашган (бирлаштирилган) масофали ўқитиш . Бундай дастурлар қандайдир сабабларга кўра мактабни тамомлай олмаган ёши катта тингловчилар аудиториясига мўлжалланган.

Бундай лойхалар ушбу дастурга бирлаштирилган расмий таълим дастурининг қисми (масалан, бундай дастурлар Колумбия университетидида мавжуд) ёки аниқ таълим мақсадига махсус мўлжалланган (масалан, Британиянинг саводхонлик дастури) ёхуд махсус саломатликни тиклаш дастурига йўналтирилган (масалан, ривожланаётган давлатлар учун) бўлиши мумкин.

ЮНЕСКО институтининг 2000 йилдаги тахлилий тадқиқот материалларида (" Distance Education for the Information Society : Policies, Pedagogy and Professional Development") баъзи моделлар умумлаштириб келтирилган. яъни ЮНЕСКО томонидан тан олинган масофали ўқитиш моделларини келтирамиз:

Ягоналик модели. Ушбу модел ташкилий тузилишига кўра фақат масофали ўқитишда ва «масофали» талабалар билан ишлаш мақсадида ташкил этилади.

Иккиланган модел. Бундай тизимда ОТМ кундузги талабаларни ҳам қисман кундузги ва қисман масофали дастур асосида ўқитади.

Аралаш модел. Бу модел университет талабаларини масофали ўқитишнинг турли шакллари ва уларнинг интеграциясини назарда тутади.

Консорциум. Ушбу модел икки университет ҳамкорлигидан иборат. Бунда, улар ўқув материаллари билан алмашадилар ёки баъзи вазифаларни бўлишиб оладилар.

Франчайзинг. Франчайзинг тамойилида ташкил этилган масофали ўқитиш моделида ҳамкор университетлар бир-бирларига ўзларининг масофали курсларини берадилар.

Валидация. Масофали ўқитишнинг жуда кенг тарқалган модели бўлиб, бунда таълим муассасалари масофали ўқитиш бўйича хизматларни барча ҳамкорлари тенг даражада бажаришлари хақида келишувни имзолаб оладилар.

Узоклаштирилган аудиториялар. Бу моделда замонавий ахборот технологияси воситаларидан фаол фойдаланилади.

Лойихалар. Давлат таълими ёки илмий тадқиқот дастури доирасида кенг камровли лойихани амалга ошириш учун мўлжалланган масофали ўқитиш моделидан иборат.

XULOSA

Хулоса қилиб айтганда ХХІ аср бошларида масофали таълим тизими учун ўқитувчиларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларни масофали ўқитиш йўли билан малакаларини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Лекин, айни вақтда республикамизнинг бирор ОТМи замонавий масофали технологиялар ва усуллар билан иш юритадиган педагог кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакаларини оширишга тизимли ёндашгани йўқ.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралда “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2018 й., 06/18/5349/0792-сон

2. Абдуқодиров А.А, Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан, 2009. –145 б.

3. Рўзиев, А., & Хуррамов, А. (2022). ИҚТИСОДИЁТА РАҚАМЛИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ. *Академические исследования в
современной науке*, 1(13), 213-219.

4. Рўзиев, А., & Хуррамов, А. (2022). РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ
ВА ИЖТИМОЙИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ
МУНОСАБАТЛАР. *Development and innovations in science*, 1(13), 29-35.